

Tibbiyotning oliy maqsadi – inson salomatligiga erishishdir



# O'zbekistonda sog'liqni saqlash Здравоохранение Узбекистана

Газета 1995 йил октябрь ойидан чиқа бошлаган • www.uzssgzt.uz, uzss@yandex.ru • 2020 йил 7 февраль • №5 (1286)

## Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОЙИШИ

### ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИГА КОРОНАВИРУСНИНГ ЯНГИ ТУРИ КИРИБ КЕЛИШИ ВА ТАРҚАЛИШНИНГ ОЛДИНИ ОЛИШ ЮЗАСИДАН ЧОРА-ТАДБИРЛАР ДАСТУРИНИ ТАЙЁРЛАШ БЎЙИЧА РЕСПУБЛИКА МАХСУС КОМИССИЯСИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси ҳудудига 2019-нCoV коронавируси (кейинги ўринларда - коронавирус)нинг янги тури кириб келиши ва тарқалишининг олдини олиш, қулай санитария-эпидемиологик осойишталикни таъминлаш ва аҳоли саломатлигини муҳофаза қилиш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикасига коронавируслик кириб келиши ва тарқалишининг олдини олиш юзасидан чора-тадбирлар дастурини тайёрлаш бўйича республика махсус комиссияси (кейинги ўринларда - Республика комиссияси) иловага мувофиқ таркибда ташкил этилсин.

2. Қуйдагилар Республика комиссиясининг (А. Н. Арипов) асосий вазифалари этиб белгилансин:

умумжаҳон, минтақавий ва мамлакат ичидagi эпидемик вазиятни доимий таҳдид ва мониторинг қилиш, мамлакатда коронавируслик тарқалиши ва эпидемик вазиятнинг ёмонлашиши тенденцияларини прогноз қилиш;

коронавирус тарқалишининг олдини олиш бўйича ҳаракатларни мувофиқлаштириш ва уларга тузатишлар киритиш мақсадида ХХР ва бошқа манфаатдор давлатларнинг давлат тузилмалари ҳамда халқаро ташкилотлар билан зарур ҳамкорликни ва маълумот алмашишни ташкил этиш;

коронавирус муаммолари бўйича тадқиқотларни мувофиқлаштириш, ушбу касалликни профилактика қилиш, диагностика ва даволашнинг замонавий ва самарали усулларини ишлаб чиқиш ва жорий этиш;

заҳирани шакллантириш ва соҳага алоқадор соғлиқни сақлаш муассасаларини ҳамда аҳолини диагностика воситалари, вирус-

га қарши препаратлар ва шахсий химоя воситалари билан ўз вақтида зарур ҳажмда таъминлаш;

илгор хоржий тажрибани ўрганиш асосида мамлакат ҳудудида коронавируслик ўз вақтида диагностика ва комплекс профилактика қилиш бўйича самарали чора-тадбирларни ташкил этиш, шунингдек, эпидемик ноқулай давлатларда вақтинча яшаётган ва коронавирус билан касалланиш хавфи юқори зоналарга тушиб қолган Ўзбекистон Республикаси фуқароларига зарур ёрдам кўрсатиш;

коронавирус бўйича эпидемик вазиятнинг ёмонлашиши эҳтимоли белгиларини ўз вақтида аниқлаш ва касалланиш хавфини камайтириш ҳамда беморларга маънавий тиббий ёрдам кўрсатишга қаратилган профилактика ва эпидемияга қарши комплекс чора-тадбирларни амалга ошириш;

замонавий оммавий ахборот воситалари (телевидение, радио, Интернет, ижтимоий тармоқлар, мобил алоқа операторлари ва бошқалар)ни жалб қилган ҳолда аҳоли ўртасида коронавируслик тарқалишига имкон берувчи сабаблар ва шарт-шароитларни тушунтириш, шунингдек, уни профилактика қилиш усуллари бўйича санитария-маърифий ишларни самарали ташкил этиш;

коронавирус бўйича эпидемик вазият мураккаблаган ҳолатда Ўзбекистон Республикасига коронавируслик кириб келиши ва тарқалишининг олдини олишга қаратилган кечиктириб бўлмайдиган чораларни кўриш бўйича тақлифларни тайёрлаш ва Ўзбекистон Республикаси Президентига киритиш.

3. Республика комиссияси манфаатдор вазирликлар, идоралар, илмий-тадқиқот ва бошқа соҳага алоқадор ташкилотларни

жалб қилган ҳолда уч кун муддатда Ўзбекистон Республикасига коронавируслик кириб келиши ва тарқалишининг олдини олиш юзасидан чора-тадбирлар дастури (кейинги ўринларда - Чора-тадбирлар дастури)ни ишлаб чиқсин ва тасдиқласин.

Тегишли вазирлик ва идоралар раҳбарлари зиммасига Чора-тадбирлар дастуридаги тадбирларнинг ўз вақтида ва самарали амалга оширилиши юзасидан шахсий жавобгарлик юклансин.

4. Белгилансинки, клиник-эпидемиологик кўрсаткичлар бўйича коронавирус билан касаллангани гумон қилинган, грипп ва бошқа ўткир респиратор касалликларнинг оғир шаклига чалинган беморлар кўрсатилган вирус турига мажбурий тартибда диагностикадан ўтказилади.

5. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигини Соғлиқни сақлаш вазирлигининг ҳисоб-китоблари бўйича 2020 йил 5 февралга қадар Давлат чегараларининг кесиб ўтиш жойларидаги санитария-карантин пунктларини стационер ва портатив тепловизорлар билан жиҳозлаш ҳамда коронавируслик янги турини аниқлаш учун диагностика воситалари ва бошқа махсус химоя воситаларини харид қилиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетидан зарур молиявий маблағларнинг ажратилишини таъминласин.

6. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги: коронавирус бўйича эпидемик осойишталиккача бўлган даврда Санитария-эпидемиологик осойишталик агентлиги, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар санитария-эпидемиологик осойишталик марказларида коронавирус диагностикаси воситаларининг зарур заҳираларини яратсин, оғир респиратор инфекцияларга чалинган

беморларни даволаш учун соҳага алоқадор стационарларнинг риеланимация ва интенсив терапия бўлимлигини зарур дорилар ва дезинфекция воситалари, ускуналар, сарфлаш материаллари, шунингдек, шахсий химоя воситалари билан жиҳозланишини таъминласин;

Давлат хавфсизлик хизматининг Чегара қўшинлари, Давлат божхона қўмитаси, Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш давлат қўмитаси, Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси, Экология ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси, "Uzbekistan airports" АЖ, "Uzbekistan airways" АЖ ҳамда "Ўзбекистон темир йўллари" АЖ билан биргаликда Ўзбекистон Республикаси ҳудудига коронавируслик кириб келишини назорат қилсин ва олдини олиш бўйича таъсирчан чораларни кўрсин; Ўзбекистон Республикаси Мактабгача таълим вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги ҳамда Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги билан биргаликда мамлакатимизнинг таълим муассасаларида коронавируслик тарқалишини профилактика қилиш ва олдини олиш бўйича комплекс чора-тадбирларни амалга оширсин;

Инновацион ривожланиш вазирлиги, Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги, Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги, Фанлар академияси ҳамда Фармацевтика тармоғини ривожлантириш агентлиги билан биргаликда 2020 йил 1 мартга қадар коронавирус ва бошқа юқумли касалликларга қарши самарали вирусга қарши препаратлар ҳамда шахсий химоя воситалари

рининг маҳаллий ишлаб чиқарилишини ташкил этиш ва ривожлантириш бўйича Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига тақлифлар киритсин.

7. Ўзбекистон Миллий теле-радиокомпанияси, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги, Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги коронавирус ва бошқа юқумли касалликларни профилактика қилиш масалалари бўйича аҳоли ўртасида тизимли ахборот-маърифий ишларни ташкил этсин.

8. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари даволаш-профилактика муассасалари, санитария-эпидемиологик осойишталик марказларини эҳтиёжга мувофиқ коронавирус ва бошқа юқумли касалликларни самарали профилактика қилиш, диагностика ва даволаш учун зарур бўлган шахсий химоянинг самарали воситалари, диагностика-кумулар, вирусга қарши, симптоматик препаратлар, бошқа воситалар ва ускуналар билан таъминласин.

9. Мазкур фармойишнинг ижросини таъминлаш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазир А. Н. Арипов, Ўзбекистон Республикаси Президентининг маслаҳатчиси А. А. Абдувахитов ва Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Хавфсизлик кенгаши котиби В.В. Махмудов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси  
Президенти  
Тошкент шаҳри,  
2020 йил 29 январь

Ш. МИРЗИЁЕВ

## УШБУ СОНДА

4

### GERMANYA BILAN ONKOLOGIYA SOXASIDA HAMKORLIK KENGAIMOQDA

Германиянинг "Elekta" компанияси билан Ўзбекистонлик шифокорлар ўртасида меморандум имзоланди.

5

### FARMACEVTIKA ISTIQBOLI: TAHLIL VA NAZORAT

– Аксарият касалликларнинг 25 фоизи дориларни нотўғри истеъмол қилишдан юзага келади, – дейди Фармацевтика тармоғини ривожлантириш агентлиги директори Сардор Қариев.

8

### SOGLOM VA TUGRI OVQATLANISH TALABLARI

Биз қандай овқатланаямиз, соғлом турмуш тарзига амал қиляпмизми? Ушбу саволларга мутахассис томонидан келтирилган тавсиялар орқали тўлиқ маълумотга эга бўласиз.

# «TASHKENT PHARMA PARK» ИННОВАЦИОН ИЛМИЙ-ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ФАРМАЦЕВТИКА КЛАСТЕРИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ КОНЦЕПЦИЯСИ

“Tashkent Pharma Park” инновацион илмий-ишлаб чиқариш фармацевтика кластерини ташкил этиш концепцияси (кейинги ўринларда – Концепция) мамлакатнинг фармацевтика тармоғида ўқув, илмий-тадқиқот салоҳиятини ривожлантириш тизимини шакллантиришга, энг яхши хорижий ўқув дастурлари асосида фармацевтика соҳасида кадрларни ўқитиш ва тайёрлашга, чуқур илм талаб қиладиган ва юқори технологияли янги ишлаб чиқаришларни яратишга қаратилган.

## 1-боб. Умумий қоидалар

Фармацевтика тармоғининг ҳозирги таҳлили шуни кўрсатадики, маҳаллий фармацевтика бозори ва фармацевтика sanoati замонавий соғлиқни сақлаш эҳтиёжларини етарли даражада қаноатлантириш ҳамда аҳолининг касалликларга чалиниши ва ўлимлар сонини камайтириш муаммоларини ҳал қилиш имконини бермапти.

Ташкил бозорларга қарамликни минималлаштириш, фармацевтика sanoatini ҳар томонлама такомиллаштириш ва уни ривожланишнинг инвестицион моделидан инновацион моделига ўтказиш учун шароит яратиш мақсадида мамлакатда дори-дармон ҳавфсизлигини таъминлаш, иқтисодиётнинг фармацевтика секторини модернизация қилиш, чуқур илм талаб қиладиган ва юқори технологияли янги ишлаб чиқаришларни яратиш, товарлар ва хизматлар экспортини кўпайтириш, илгор илмий-техник ишланмаларни молиялаштириш зарурати мавжуд.

Хусусан, фармацевтика тармоғи маҳсулот турларига кўра иқтисодий жиҳатдан ривожланган мамлакатларнинг шундай тармоқларидан оряқта қолмоқда. Айниқса, ижтимоий аҳамиятга эга дори-дармонлар, жаррохлик асбоб-ускуналари, стерилланган бир марталик катетерлар, ўтказувчи катетерлар, тикув материаллари, диализаторлар, анестетик ва нафас олиш ускуналари, кардиожаррохлик, нейрожаррохлик ва травматологияда юқори технологияли жаррохлик ағрашувларда ишлатиладиган материаллар етишмаслиги яққол сезилмоқда.

## 2-боб. Кластернинг мақсад ва вазифалари

Ушбу Концепция “Tashkent Pharma Park” инновацион илмий-ишлаб чиқариш фармацевтика кластерини (кейинги ўринларда – Кластер) ташкил этишдан кўзланган мақсадлар ва унинг вазифаларини белгилайди.

**Кластерни ташкил этишдан мақсад республиканинг фармацевтика тармоғини куйидаги уч йўналишда ривожлантириш ҳисобланади:**

фармацевтика фанини ривожлантириш; фармацевтикада таълим тизимини такомиллаштириш; чуқур илм талаб қиладиган ва юқори технологияли ишлаб чиқаришларни ташкил қилиш.

**Кластернинг вазифалари ва фаолият йўналишлари куйидагилардан иборат:**

халқаро тажрибани кўллаган ҳолда инновацион ечимлар (ноу-хау) ва юқори технологияларни жорий этиш орқали республиканинг фармацевтика тармоғини ривожлантириш;

замонавий ўқув-лабораториялари ва илмий-тадқиқот марказлари, шунингдек, инновацион инфратузилмани яратиш;

дори воситалари, тиббий буюмлар ва тиббий техникаларни экспертиза қилиш бўйича марказ фаолиятини ташкил этиш; илмий-тадқиқот базасини халқаро инновацион тизимга интеграциялаш орқали ривожлантириш;

тажриба ва маълумотларнинг доимий алмашинувини ташкил этиш орқали хорижий ушбу йўналишдаги илмий-тадқиқот марказлари билан ҳамкорликни йўлга қўйиш, халқаро тадқиқот дастурлари, анжуманлар ва симпозиумларда амалий иштирок этишни таъминлаш;

дори воситалари ва тиббий буюмларни ишлаб чиқаришга мўлжалланган замонавий рақобатбардош ишлаб чиқаришларни ташкил этиш учун, шу жумладан хорижий фармацевтика компанияларининг инвестициялари ва илгор технологияларини жалб қилиш;

фармацевтика тармоғида талаб юқори бўлган мутахассисликлар бўйича халқаро ўқитиш дастурларига мувофиқ малакали кадрлар тайёрлаш, шу жумладан инновацион дори воситалари ва тиббий жиҳозларни ишлаб чиқиш учун ихтисослаштирилган таълим инфратузилмасини яратиш;

илмий-таълим ва тадқиқот марказларининг илмий-техник ва инновацион дастурлар, танловлар ва грантларда иштирок этиши учун шарт-шароитларни таъминлаш.

## 3-боб. Кластерни ривожлантиришнинг асосий йўналишлари

**Кластер иккита асосий йўналишдан иборат:**

1. Кластернинг академик, илмий-тадқиқот, клиник олди ва клиник таркибий қисмлари жойлашадиган технопарк яратиш.

2. Етакчи фармацевтика компаниялари, тиббий буюмлар ва тиббий техника ишлаб чиқарувчи корхоналарнинг ишлаб чиқариш майдонлари жойлашадиган фармацевтика sanoat зонасини яратиш.

Фармацевтика sanoat зонаси ҳудудидagi лойиҳаларни молиялаштириш тўғрисидаги инвестицияларни, шу жумладан хорижий инвестицияларни жалб қилиш ҳисобга амалга оширилади.

Фармацевтика, косметология, ишлаб чиқариш технологияси, бизнесни бошқариш ва бошқа соҳалар бўйича мутахассислар тайёрлайдиган кўп тармоқли университет (кейинги ўринларда – университет) барпо этиш кўзда тутилади. Университет куйидаги инфратузилмани ўз ичига олади:

янги дори воситалари ва илмий-технологик препаратлар ишлаб чиқиш ва ишлаб чиқаришга таътиб қилиш, шунингдек, фаолият кўрсатаётган ишлаб чиқаришларни такомиллаштириш, тажриба-экспериментал ишлаб чиқариш билан бирга клиник олди тадқиқотларни ўтказиш бўйича илмий-тадқиқот марказлари ва лабораториялар;

ўқув-илмий лабораториялари ва виварийлар;

фармаколея маркази; меҳмонхонага эга симпозиум маркази; талабалар, ўқитувчилар ва чет эллик ходимлар учун турар жойлар; спорт-соғломлаштириш мажмуаси, сув ҳавзаси ва стадион.

Халқаро таълим муассасасини ташкил этишнинг ушбу модели хориждаги шундай ўқув муассасаларида қўлланилади. Шунингдек, кластер моделига sanoat зонаси ҳам интеграциялаштирилган бўлиб, унда инновацион дори воситалари ва тиббий техника ишлаб чиқарувчи корхоналар жойлаштирилади.

Келгусида Кластер ҳудудида чет эл клиникалари, тиббиёт марказлари ва бошқа зарур инфратузилмаларни жойлаштириш кўзда тутилмоқда, бу эса умуман Кластерни уйғун равишда ривожлантиради.

Ушбу йўналишларни амалга ошириш куйидагиларга ёрдам беради:

таълим жараёнининг илмий ва ўқув-услубий таъминотини ривожлантириш орқали малакали кадрлар тайёрлаш тизимини такомиллаштириш;

фармацевтика тармоғининг ҳозирги ривожланиш тенденцияларини ва эҳтиёжларини инобатга олган ҳолда фармацевтика sanoati учун мутахассислар тайёрлаш сифатини ошириш;

илмий-тадқиқот институтларининг моддий-техник базасини жаҳон стандартларига мувофиқ янгиллаш;

олий ўқув юртлари ва илмий муассасалар профессор-ўқитувчиларининг илмий-амалий жараёндаги иштирокини моддий рағбатлантириш орқали уларнинг юқори малакали кадрлар тайёрлашда, янги илмий ишланмалар ва технологияларни жорий этишдаги ролини ошириш;

энг самарали генерик дори воситалари

турини кенгайтириш орқали янги дори воситаларини ишлаб чиқиш тизимини такомиллаштириш, янада яхшиланган фармакокинетики ва фармакодинамики хусусиятларга эга янги, замонавий инновацион дори шакллари, фаол моддани организмга мақсадли етказиб бериш тизимларини яратиш;

инновацион самарали дори воситалари ва тайёр дори шакллари яратиш ва ишлаб чиқишга йўналтирилган илмий тадқиқотларни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш;

Ўзбекистондаги ўсимликлар, ҳайвонлар ва микроорганизмлардан ажратиб олинган биологик фаол бирикмаларнинг электрон маълумотлар базасини яратиш, фармацевтика sanoatига ишлатиш учун ўсимликлар, микроорганизмлар ва ҳайвонлардан биологик фаол моддалар олиш технологиясини ишлаб чиқиш.

Кластерни ривожлантириш мезонларидан бири бу экспертлик марказини ташкил этиш, илмий-тадқиқот базасини ривожлантириш, биофармацевтика sanoatини ривожлантиришда халқаро тажрибани жорий этиш, маҳаллий мутахассисларни умум эътироф этилган халқаро стандартларга мувофиқ равишда ўқитиш, янги жиҳозлар, муҳандис-техник кадрлар тайёрлашда зарур бўлган мезон ва мутахассисликлар ҳисобланади.

Кластер ривожланишининг бошқа бир мезони бу халқаро кластер ҳамжамиятларига қўшилиш, хорижий илмий-тадқиқот марказлари ва клиникалар билан шериклик алоқаларини йўлга қўйиш, халқаро симпозиумлар, конференциялар, ярмаркалар ўтказиш, Кластерни Марказий Осиё минтақасидаги ўқув ва илмий-тадқиқот ишлари маркази сифатида шакллантириш ҳисобланади.

Лойиҳанинг ўзига хослиги шундан иборатки, кўп тармоқли университетда ўзининг экотизмини яратилади, бу эса таълим ва илмий-тадқиқот таркибий қисмларининг ҳаммаҳанг ривожланишига имкон беради. Уларнинг барчаси бир-бири билан ўзаро боғлиқ бўлади ва маҳаллий кадрларни тайёрлаш ушбу майдонларда амалга оширилади.

Кўп тармоқли университетнинг кампуси (талабалар шаҳарчаси) куйидаги функционал элементларни ўз ичига олади:

ўқув бинолари;

ўқув-илмий лабораториялар;

илмий-тадқиқот маркази;

виварийга эга клиник олди тадқиқотлар маркази;

фармаколея маркази;

ўқув-илмий кутубхона;

илмий-тажриба линиялари;

коворкинг маркази, бизнес акселератор;

талабалар, ўқитувчилар ва чет эллик ходимлар учун турар жойлар;

спорт-соғломлаштириш мажмуаси, стадион;

меҳмонхонага эга симпозиум маркази.

**4-боб. Кутулаётган натижалар**

**Концепцияни амалга оширишдан кутулаётган натижалар куйидагилар бўлиши лозим:**

аҳолини фармацевтика ва унга ёндаш соҳаларда юқори малакали кадрлар билан таъминлаш;

фармацевтика тармоғида тадқиқотлар ва ишланмаларни янада ривожлантириш учун илгор илмий-техник базанинг фаолият олиб бориши;

илм-фан ва таълимни миллий инновацион тизимнинг кадрлар таъминоти сифатида интеграциялаш;

Кластер ҳудудида чуқур илм талаб қиладиган ва юқори технологияли ишлаб чиқаришларнинг фаолият олиб бориши;

фармацевтика соҳасида биринчи “илм шаҳарчаси” нинг шаклланиши.

**5-боб. Лойиҳани молиялаштириш**

Кластернинг илмий-таълим таркибий қисмини молиялаштириш манбаи Корея Эксимбанкнинг Иқтисодий ҳамкорлик ва тараққиёт жамғармаси (EDCF) линияси бўйича 136,0 миллион АҚШ доллари миқдоридagi узок муддатли кредитлари ҳисобланади.

**Кредит линиясининг шартлари:**

лоийҳанинг ижтимоий йўналтирилганлиги, лойиҳа таркибий қисмларида тижорат компонентининг йўқлиги;

кредит муддати – 40 йил, шу жумладан имтиёзли давр – 10 йил;

фоиз ставкаси – йиллик 0,15 фоиз.

Лойиҳани иккита фазада курилиш-монтаж ишларини босқичма-босқич молиялаштириш ва амалга ошириш билан рўйбега чиқариш кўзда тутилган.

I фазани молиялаштириш 2019 йил 16 августда Сеул шахрида “Сиёсий мулоқот” (Policy Dialogue) доирасида имзоланган Протокол (“Aide Memoire”) натижаларига биноан 2018 – 2020 йилларга мўлжалланган амалдаги Ҳадди битим (Framework agreement) доирасида (лоийҳа 2020 йилга киритилган) режалаштирилган.

II фазани молиялаштириш Ўзбекистон учун келажақдаги Ҳадди битим (Framework agreement) доирасида 2021 йилга режалаштирилган.

**Курилиш босқичлари.**

I босқич: кўп тармоқли университет; ўқув бинолари;

ўқув-илмий лабораториялар;

виварийга эга клиник олди тадқиқотлар маркази;

фармаколея маркази;

ўқув-илмий кутубхона;

спорт-соғломлаштириш мажмуаси, стадион;

коворкинг маркази, бизнес акселератор;

талабалар, ўқитувчилар ва чет эллик ходимлар учун турар жой;

муҳандислик коммуникациялари.

II босқич: кўп тармоқли университет; илмий-тадқиқот маркази;

илмий-тажриба линиялари;

меҳмонхонага эга симпозиум маркази;

муҳандислик коммуникациялари.

**6-боб. Манфаатдор томонларнинг иштироки ва маслаҳатлашувлар**

Лойиҳанинг концептуал қисмини амалга оширишда куйидаги ташкилотларнинг етакчи мутахассислари иштирок этилади:

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги хузуридаги Фармацевтика тармоғини ривожлантириш агентлиги;

Тошкент вакциналари ва зардоблар илмий-тадқиқот институти;

Ўзбекистон кимё-фармацевтика илмий-тадқиқот институти;

Тошкент фармацевтика институти;

етакчи хорижий ва маҳаллий фармацевтика маҳсулотлари ва тиббий техника ишлаб чиқарувчилар.

Ўзбекистон Республикаси фармацевтика тармоғининг ҳозирги ҳолати бўйича тадқиқотлар ўтказилади.

Фармацевтика кластери ташкил этиш масаласини ўрганиш учун Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги хузуридаги Фармацевтика тармоғини ривожлантириш агентлиги томонидан Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва sanoat вазирлиги кўмағида Германиянинг “Berlin Economics” иқтисодий гуруҳининг Ўзбекистондаги маслаҳатчилари жалб қилинди. Германия гуруҳи томонидан Ўзбекистонда фармацевтика кластерини ривожлантириш ва кластерли ечимларни бошқариш бўйича йўл харитаси ишлаб чиқилди.

Кореялик куйидаги ҳамкорлар билан доимий равишда маслаҳатлашувлар олиб борилмақда:

Корея Республикаси Соғлиқни сақлаш ва ижтимоий таъминот вазирлиги;

Корея Республикаси Фармацевтика ишлаб чиқарувчилари уюшмаси (KPBMA);

KBIOHealth – “OSONG” биофармацевтик технопаркнинг бошқарув компанияси (Корея Республикаси);

KHIDI – Корея Республикаси соғлиқни сақлаш ва фармацевтикани ривожлантириш институти.

(Маъмур концепциянинг иловалари билан газетамизнинг телеграмм тармоғидаги @uzssgzt расмий канали орқали танишасиз).

Долзарб мавзу

Видеоселектор

# КОРОНАВИРУС ИНФЕКЦИЯСИГА ҚАРШИ КУРАШИШ КУЧАЙТИРИЛАДИ

Айни пайтда дунёда коронавирус инфекциясини худудларга тарқалиши, ундан касалланиш ва вафот этаётганлар кўрсаткичи жиҳатидан жиддий босқичга кўтарилмоқда. Хабарингиз бор, Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти (ЖССТ) томонидан Хитойда янги коронавирус тарқалиши билан боғлиқ вазиятни аҳоли соғлиғини сақлаш соҳасидаги халқаро даражадаги факултода вазият деб эълон қилинди.

Бундан бир муддат олдин Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасида Эпидемияга қарши кураш факултода комиссиясининг йиғилиши ўтказилган бўлса, шу йилнинг 29-январида давлатимиз раҳбарининг "Ўзбекистон Республикасида коронавируснинг янги тури кириб келиши ва тарқалишини олдини олиш юзасидан чора-тадбирлар дастурини тайёрлаш бўйича республика махсус комиссиясининг ташкил этиш тўғрисида"ги Фармойиши қабул қилинди.

Соғлиқни сақлаш вазирлиги айни масалада ЖССТнинг мамлакатимиздаги ваколатхонаси билан ҳамкорликда видеоселектор йиғилишини ўтказди. Уни Соғлиқни сақлаш вазири Алишер Шадманов олиб борди.

Унда қайд этилганидек, Соғлиқни сақлаш вазирлиги Хитойдаги эпидемик вазиятдан келиб чиққан ҳолда юртимиз худудига коронавирус инфекциясининг кириб келиши ва тарқалишининг олдини олиш борасида Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти билан узлуксиз ишлаётганлиги, ҳамкорликда



барча зарур чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Хусусан, ҳаво, автомобиль ва темир йўл транспорти объектларида санитария-эпидемиология ва миграция назорати кучайтирилмоқда. Бу борада кўланма ва тавсиялар ишлаб чиқилиб, барча тегишли вазирлик ва идораларга ижро учун юборилди. Туну кун фаолият кўрсатувчи махсус штаб фаолияти йўлга қўйилди. Касалликка гумон қилинган фуқароларни ихтисослаштирилган даволаш муассасаларида чуқурлаштирилган тиббий текширувдан ўтказилмоқда.

Мамлакатимизда Давлат че-

гараларининг кесишиш жойларида 52 та санитария-карантин пунктлари фаолият кўрсатмоқда. Давлат чегара постларидан ўтаётган фуқаролар тиббий назорат кўригидан ўтказилмоқда, шунингдек, тепловизор ёрдамида йўловчиларнинг тана ҳарорати масофадан туриб ўлчанмоқда ва умумий ҳолати текширилмоқда. Аммо ушбу чора-тадбирлар хавфсизликни тўлиқ кафолатлайди дегани эмас, дея қайд этилди видеоселекторда. Негаки, коронавирус инфекцияси ҳаво томчилари орқали ўтши, инсондан инсонга юқиши, шунингдек, касаллик-

ни клиник белгилари 14 кунгача яширин кечиши хотиржам бўлишга сабаб бўлмашига эътибор қаратилди. Қолаверса, бугунгача 20 га яқин тиббиётни ривожланган мамлакатда бу касаллик кузатилаётганлиги вазиятнинг нақадар жиддийлигини кўрсатиб турибди.

Шу боис ҳам, бўлиб ўтган видеоселекторда айни пайтга қадар юртимизда бундай касалликка чалиниш ҳолати умуман кузатилмаганлигига қарамаздан эҳтиёт чораларини янада кучайтириш борасида мутасаддиларга аниқ топшиқлар берилди. Жумладан, хориждан, айниқса, Хитойдан келаётган фуқароларни тиббий қуриқдан ўтказиш, уларнинг руйхатини шакллантириш, касалликнинг яширин даври давомида тиббий назоратни янада кучайтириш, касалликка қарши курашишда тегишли вазирлик ва идоралар билан ҳамкорликдаги фаолиятни кучайтириш каби қатор вазифалар кўрсатиб ўтилди.

**Соғлиқни сақлаш вазирлиги Жамоатчилик билан алоқалар бўлими.**

Хабар

## КОРОНАВИРУСГА ҚАРШИ КУРАШИШ: ҲАМШИРАЛАР ВАЗИФАСИНИ РОБОТЛАР БАЖАРА ОЛАДИМИ?

Хитойлик муҳандислар янги коронавирусга чалинганликда гумонланувчилардан тиббий таҳлилларни олувчи роботни яратиш устида иш олиб бормоқда. "Правда.ру" хабарида айтилишича, мутахассислар "робот тиббиёт ҳамширасининг вазифасини бажаради, ваҳоланки, айнан ҳамширалар, энг аввало, вирусни юқтириб олиш хавфи остида қолмоқда", деб таъкидлаган.

Олимларнинг айтишича, янги технология махсули бўлган робот тез ва оддий суратда таҳлиллар олинишига имкон яратди.



Фикр

## КОРОНАВИРУС ИММУН ТИЗИМИ ПАСАЙИБ КЕТГАН БЕМОРЛАРДА

огир кечиши мумкин, – дейди ЖССТнинг Ўзбекистондаги ваколатхонаси раҳбари Лианн Куппенс.



ЖССТнинг Ўзбекистондаги ваколатхонаси раҳбари Лианн Куппенс Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти томонидан Хитойда янги коронавирус тарқалиши билан боғлиқ вазиятни аҳоли соғлиғини сақлаш соҳасидаги халқаро даражадаги факултода вазият деб эълон қилинганини, аммо бу жиддий хавотирга тушиш ёки бўлмаса, бутун дунёни ушбу хасталик қамраб олди, дегани эмаслигини алоҳида таъкидлаб ўтди.

– Маълумотларга кўра, коронавирусдан касалланган одамларнинг 80 фоизиди хасталик енгил ўтади, қолган 20 фоизиди огир кечиши мумкин. Улим ҳолати юз бериши эҳтимоли бўлган 2-3 фоизи эса иккиламчи огир, сурункали касалликларга чалинган, иммунитет пасайиб кетган беморларга тўғри келмоқда, – дейди Лианн Куппенс. – Ушбу касалликнинг олдини олишга қаратилган тадбирлар учта йўналишда олиб борилиши мақсадга мувофиқ. Биринчи ўринда касаллик манбаини жиловлаш, иккинчиси, юқишнинг олдини олиш, учинчиси бўлса, юқтириб олиш эҳтимоли бўлган аҳолини химоя қилишдир. Бу борада Ўзбекистонда амалга оширилаётган саъй-харакатларни эътироф этган

ҳолда тўлиқ қўллаб-қувватлаймиз. Мутахассисларнинг фикрича, коронавирусни аниқлашда асосий эътибор тана ҳароратининг кўтарилишига қаратилса-да, унинг яширин даври мавжуд. Бу пайтда касаллик белгилари тўлиқ намоён бўлиб улгурмайди. Шундан келиб чиққан ҳолда, мамлакатимизда вазиятни назорат қилиш, хориждан келган фуқароларни текшириш ва кузатилмоқда олиш борасида барча тайёргарлик чоралари қўрилган.

Шунга қарамай, ижтимоий тармоқлар орқали аҳоли орасида турли ваҳимали, хуусан, Жиззаҳ, Бухоро ва Андижон вилоятларида коронавирус инфекцияси билан боғлиқ ёлғон хабарлар тарқалмоқда. Бундай ҳолатда одамлар соҳадан узоқ бўлган шахслар томонидан тарқатилган асосланмаган маълумотларга эмас, балки мутахассислар ҳолис фикри ва хулосаларига эътибор қаратишлари керак.

Энг муҳими, айни кунга қадар Ўзбекистонда коронавирус инфекциясига чалинган беморлар қайд этилмади. Таъкидлаш муҳимки, ушбу касалликка ташхис қўйиш имконияти мавжуд, шунингдек, даволай оладиган малакали мутахассислар ҳам етарли.

Муносабат

## ПАРЛАМЕНТ БЕФАРҚ ЭМАС

Хитойда тарқалган коронавирус 20 дан зиёд мамлакат худудига кўчди. Барча давлат ўз фуқароларини ушбу мамлакатдан олиб чиқиб кетиш чораларини кўрмоқда. Ўзбекистон ҳам биринчилар бўлиб бу вазифани бажаришга киришди.

4 февраль кун Хитойда ўқийётган ёхуд турли юмушлар билан борган 250 нафар, 5 февраль кун 84 нафар ўзбекистонликлар давлатимиз томонидан ажратилган махсус рейс орқали Пекин ва Ухандан Тошкентга олиб келинди.

Биз – Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг бир гуруҳ депутатлари уларни кутиб олиш тадбирида катнашдик.

Йўловчилар самолёт трапидан бошлаб, то автобусларга чалинган неча босқичда тиббий-санитар кўриқдан ўтказилди. Вирус билан боғлиқ бирорта ҳолат кузатилмаганини айтган Соғлиқни сақлаш вазирлиги вакиллари барча жараённи кўнгилдагидек ўтказишар эди. Хавф ва таҳдидга ўрин йўқ. Ҳаммаси жойида. Ҳеч кимда ушбу вирус билан боғлиқ касаллик аломати сезилмади. Назорат муваффақиятли ўтди.

Бундай манзарани кўриб, хулоса қилдикки, юртимизда инсон қадрлари янада юксалмоқда. Бу Президентимиз ва Ҳукуматимизнинг халқимиз соғлиғини муҳофаза қилиш йўлидаги чексиз меҳрибонлигининг ёрқин ифодасидир.

Албатта, бу жараёнда парламентимиз ҳам бефарқ қараб тургани йўқ.

Юртдошларимизни кутиб олар эканмиз, муҳими, хавотирларимиз ариди: ҳамма соппа-соғ. Ҳеч қандай хавотирга ўрин йўқ.

**Наврўз РИЗАЕВ,**  
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати,  
Фуқароларнинг соғлиғини сақлаш масалалари  
қўмитаси аъзоси.

## Халқаро алоқалар

# ГЕРМАНИЯ БИЛАН ОНКОЛОГИЯ СОҲАСИДА ҲАМКОРЛИК КЕНГАЙМОҚДА

Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш вазири Алишер Шадманов соҳада икки томонлама ҳамкорлик масалаларини муҳокама қилиш мақсадида Германия Федератив Республикасида бўлиб қайтди.



Мамлакатимиз соғлиқни сақлаш вазири Германияда ушбу мамлакат иқтисодиёт ва энергетика федерал вазири П. Альтмайер, Соғлиқни сақлаш вазири Ф. Лоренц, Германия иқтисодиётининг Шарқий қўмитаси раиси О. Хармес, Бундестаг депутаты Н. Шмидт, Германия онкология жамияти бош қотиби Й. Брунс, Хайделберг университети Онкология маркази директори М. Томас, Фрезениус олий ўқув юрти ректори Ф. Вальтер, соғлиқни сақлаш ва фармацевтика соҳасида фаолият юритаётган "Vamed", "Siemens Healthineers", "OPASCA German Oncology Solutions GmbH" ва "Elekta" каби компаниялар раҳбарлари билан учрашувлар ўтказди.

Мамлакатимизда соҳани ривожлантиришда илгор давлатлар тажрибасидан фойдаланишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Хусусан, шу кунга қадар 20 дан ортик ривожланган мамлакатнинг тиббий соҳасини ислоҳ қилиш бўйича тажрибани ўрганилди. Ўзбекистонда соғлиқни сақлаш тизимини замон талаблари асосида ташкил этиш мақсадида Германия модели мезон сифатида қабул қилинди. Учрашувлар чоғида Ўзбекистонда қабул қилинган соғлиқни сақлаш Концепцияси мазмун-моҳияти, аҳолига сифатли тиббий хизмат кўрсатиш борасидаги давлат сийсати, олиб борилаётган ислохотлар кўлами, қабул қилинган қарор

ва амалга оширилаётган ишлар хусусида атрофлича маълумот берилди. Соҳада ҳамкорликни янада кенгайтириш масалалари муҳокама қилинди. Юқори маалаки мутахассислар тайёрлаш, замонавий тиббий марказлар барпо этиш, уларни жиҳозлашга инвестициялар жалб қилиш бўйича Ўзбекистонда яратилган имконият ва имтиёزلар ҳақида сўзлаб берилди.

Ўз навбатида, Германия иқтисодиёт ва энергетика федерал вазири П.Альтмайер Ўзбекистондаги ўзгаришларни доимий кузатиб боришини ва икки, кўп томонлама ҳамкорлик доирасида мамлакатимизда тиббий соҳасида амалга оширилаётган ислохотларни қўллаб-қувватлашини билдирди. Германия жорий йилнинг иккинчи ярмида Европа Иттифоқи Кенгашига раислик қилади. Вазирнинг қайд этишича, Германиянинг Кенгашига раислиги давомида Европа Иттифоқининг Марказий Осиё давлатлар жумладан, Ўзбекистон билан ҳамкорлик алоқаларини ривожлантириш, молиявий-техник кўмак кўрсатиш ҳажмини ошириш масалалари ўрганиб чиқилиб, тегишли қарорлар қабул қилиниши мумкин. Бундестаг депутаты Н. Шмидт эса учрашувда Президент Шавкат Мирзиёев раҳбарлигидаги Ўзбекистон чегарадош давлатлар билан яхши қўшничиликни мустаҳкамлаётганини алоҳида қайд этди. Мамлакатни иқтисодий ва ижтимоий ривожлантириш борасида амалга оширилаётган ислохотларни

юқори баҳолади. Депутат мулоқот чоғида мамлакатимизнинг туристик салоҳияти ҳақидаги фикрлари билан ҳам ўртоқлашди. "Ўзбекистон бой тарих ва маданиятга эга. Унинг улкан сайёҳлик салоҳияти туристларни доим ўзига жалб қилган. Мен ҳам ана шундай қадим тамаддун бешиклари бўлган мамлакатингиз қадимий шаҳарларида бўлиш, халқингизнинг ранг-баранг урф-одатлари ва аъёналари билан яқиндан танишиш истагидаман", — деди Н. Шмидт.

Германия иқтисодиётининг Шарқий қўмитаси раиси О.Хермеснинг билдиришича, етакчи немис компаниялари Ўзбекистон билан турли соҳаларда ўзаро манфаатли ва узоқ мuddатли шерикликни ривожлантиришга устувор аҳамият қаратмоқда. Минтақада муҳим ўрин тутадиган Ўзбекистон немис инвесторлари учун истиқболли бозор ҳисобланади. Қўмита раиси, шунингдек, мамлакатимизнинг инвестициявий салоҳияти, сармоядорлар учун яратилган шароит ва имтиёزلарни юқори баҳолади.

О. Хермес ўз сўзида қўмита тиббиёт ва фармацевтикага иқтисодлашган немис компанияларини Ўзбекистонга жалб қилишда кўмак беришга тайёр эканини маълум қилди. Германия соғлиқни сақлаш вазири Ф. Вальтер билан суҳбатда Ўзбекистонда соғлиқни сақлаш соҳасида эришилган ютуқ ҳамда соҳани янада ривожлантириш бўйича чоратадбирлар кўлами кенглигини таъкидлаб, онкология соҳасида ўзаро ҳамкорлик алоқаларини ривожлантиришни таъкиф қилди. Бу мамлакатимизда онкология бўйича янги концепция ишлаб чиқиш, мутахассислар тайёрлаш ва малакасини ошириш, шунингдек, сертификатлаштириш ишларини ташкил этишни кўзда тутди.

Учрашув доирасида Германия Онкология жамияти билан Ўзбекистондаги онкология марказларини сертификатлаштириш, бошқарувни такомиллаштириш, врачлар малакасини ошириш, замонавий диагностика ва даволаш усуллари жорий этиш, биргаликда илмий тадқиқот лойиҳаларини амалга ошириш бўйича икки томонлама ҳамкорликка оид ҳужжатлар имзоланди.

Хайделберг университети қошидаги онкология маркази ди-



ректори М. Томас соҳада бирламчи тиббий профилактика хизматини ривожлантириш, тиббий профилактика ва касалликларни эрта аниқлаш ишларини кучайтириш муҳимлигини қайд этиб, бунда даволаш ва диагностика стандартларини такомиллаштириш зарурлигини айтди. Бу борада ўзаро тажриба алмашишларни ташкил этишга тайёр эканини билдирди. Музокараларда мамлакатимиз мутахассисларининг Хайделбергга қисқа ва узоқ мuddатли амалиёт ўташларини ташкил этиш, немис онкологлари иштирокида мамлакатимизда маҳорат дарсларини олиб бориш, илмий лойиҳаларни амалга оширишга қилиши олинди. Ўзбекистон соғлиқни сақлаш вазири Фрезениус олий ўқув юрти ректори Ф. Вальтер билан суҳбатда соғлиқни сақлаш муассасаларини молиялаштириш ва бошқариш бўйича менежерлар тайёрлаш, соҳа раҳбарлари, масъуллари учун махсус семинар ва курслар ташкил этиш масалаларини муҳокама қилди. Ўзбекистонда Фрезениус олий ўқув юрти филиалини очилиши таъкиф қилди. Ўз навбатида, Ф. Вальтер жорий йилда Ўзбекистонлик 20 нафар талабани магистратура дастури бўйича ўқишга қабул қилиши мумкинлигини маълум қилди. Тошкентда жорий йил февраль ойида мамлакатимиз вилоят, туман ва шаҳар соғлиқни сақлаш тизими раҳбарлари учун ташкил этиладиган бошқарувни амалга ошириш бўйича машғулотларда иштирок этиш учун

Мамлакатимиз делегациясининг Германияга сафари доирасида "Elekta" компанияси билан Ўзбекистонлик мутахассисларни радиация терапияси бўйича ўқитиш ва брахитерапия соҳасида малака оширишни ташкил этишда икки томонлама ҳамкорлик меморандуми имзоланди.

«Дунё» АА.

## ТОШКЕНТ ДАВЛАТ СТОМАТОЛОГИЯ ИНСТИТУТИДА РЕКТОРАТ СТИПЕНДИЯСИ ТАЪСИС ЭТИЛДИ



Бу ҳақда 31 январь куни Ректор ва ёшларнинг очик мулоқотида маълум қилинди. Тадбирга таниқли санъат ва маданият арбоблари Учқун Тиллаев, Тўти Юсупова, Хосият Хусанова, Даврон Каримов, шунингдек, Яшнобод тумани прокурори ёрдამчиси Зарифа Мавлонова, Яшнобод тумани Мудофаа ишлари бўлими бошлиғи подполковник Фаррух Эркинович ва фахрийлар меҳмон бўлишди.

Тадбир меҳмонлари Президентимизнинг Олий Мажлис сенагига мурожаатидан келиб чиққан жолда бугунги таълимга берилган эътибор хусусида талабалар билан суҳбат олиб боришди. Тошкент давлат стоматология институтида талабаларни қўшимча рағбатлантириш, улар-

ни фаол яратувчанлик фаолиятига кенг жалб қилиш, муносиб тақдирлаш мақсадида илмий Кенгаш қарори билан ректор стипендияси жорий қилинди. Табиийки, бу аъло баҳолаarga ўқиган, олимпиадаларда юқори натижаларга эришган талабалар учун қўшимча манфаатдорлик ва яхши


ўқишлари учун рағбат бўлиб хизмат қилади.

Бундан ташқари, ўз устида ишлайдиган педагогларимиз учун ҳам институтимизда рағбатлантириш жорий қилинди. Илмий изланувчи педагогларнинг «Скопус» тизимидаги халқаро журналларда чоп қилинган ҳар бир мақоласи учун 3 млн. сўм гуноҳор жорий қилинган маълум қилинди. Ушбу рағбатлантиришлар орқали ҳам талабалар учун, ҳам педагоглар учун сифатли тиббий таълим яратиш йўлида яна бир муҳим қадам бўлди.

Институт матбуот хизмати.

Алишер Навоий таваллудининг 579 йиллиги

# НАВОЙИНИНГ ТАБОБАТГА ОИД ҚАРАШЛАРИ



**Шу кунларда ўзбек адабий тили тараққиёти асосини, буюк шоир ва мутафаккир олим Алишер Навоий таваллудининг 579 йиллиги юртимизда кенг нишонланмоқда. Унинг илм-фан ривожига қўшган ҳиссаси, қолдирган нодир асарлари замирида ҳам барча йўналишлар қатори табобат илми алоҳида аҳамият ва эътиборга эга.**

Табобат тараққиётининг кўп йиллик тарихи ўрта асрлардаги Шарқ уламолари номлари билан боғлиқки, бунда Алишер Навоийнинг табобат тарғиботчиси сифатида тутган ўрнига алоҳида тўхталиб ўтмоқчимиз.

Тарихдан маълумки, Алишер Навоий ўз фаолияти давомида табобат ишлари ривожлантириш ва беморлар соғлигини тиклаш мақсадига махсус шифохона қурдиради. Унинг номи Хондамир таъбири билан айтганда «Дор-уш-шифо» дея ата-

лади. Энг муҳим жиҳатлардан бири, шифохона таркибида каттагина дорихона ҳам бўлган. Хондамир мазкур шифохона ҳақида: «Кишилар зарур дори-дармонларни ҳамма вақт ўша жойдан топиб келадилар», деб ёзади. Навоий ўрта аср Шарқ табобатининг кўёши Абу Али ибн Синони ўзининг «Ҳайратул Аб-рор» асарида ақл рамзи, яъни «Алийи фикрат» деб улуғлайди. У табобат намояндаларини қўллаб-қувватлаганига қўлмай, балки уларнинг ёрдамга муҳтож халққа хайрли хизмат кўрсатиши учун ҳам қўлай шарт-шароит яратиб берган. Навоий Хиротда алоҳида жамоа шифохонаси ташкил этиб, унда табиблар беморларни даволаш ва талабаларга тиббиёт илмидан дарс бериш билан ҳам машғул бўлган.

Алишер Навоий инояти билан ўша даврда Мавлоно Низомиддин Абдулхай табиб, Мавлоно Муъин, Мавлоно Фиёсиддин Муҳаммад табиб Сабзаворий, Мавлоно Дарвишали табиб ва Мавлоно Абдулхай Туний каби машҳур табиблар етишиб чиққанки, улар тиббиёт илмини ривожлантиришда ушбу «Шифоия»да узок вақт фаолият кўрсатганлар. Таъкидлаш жоизки, Хиротда Навоий даврида ва унга қадар ҳам халқ саломатлиги йўлида хурматга лойиқ бўлган хайрли ишлар бажарилган.

Хазрат Навоий ўзининг «Маҳбуб ул-қулуб» асарида: «Табобат ишлари ўзининг асл илмини яхши билмоғи, табиатан ҳам, муомалада ҳам раҳм-шафқатли бўлмоғи лозим. Устозлари сўзига риоя қилмоғи, уларга эргашмоғи даркор. Мулоим сўз би-

лан бемор кўнглини кўтариб, муолажага киришмоғи керак», деб ёзади. Лекин шу ўринда Навоийнинг яна бир фикри эътиборимизни ўзига жалб этади: «Табиб ўз касбига моҳир бўлса, бунинг баробарида бадфелъ, лоқайд ва қўполлик билан беморни ҳар қанча даволаса ҳам нажот кутган инсон соғлигида ҳеч қандай ўзгариш бўлмайди», деган эди.

Эки шоирнинг мана бу байтига эътибор беринг:

**Агар ҳикматга бўлса илтифотинг,  
Ки бўлсин Нух умрича ҳаётинг.**

Эки  
**Ва локин тиббу ҳикмат ҳам эрур кўп,  
Ки сихатдир киши жисмида матлуб.**

Демак, Навоий тиббу ҳикматни киши жисмида саломатликни сақлаш заруриятларидан бири, деб ҳисоблайди. Унинг фикрича, киши саломат бўлиши учун биринчи галда ўз миждани библиши ва мўстадил тутиши керак. Мижданинг бузилиши касалликни пайдо қилади. Киши соғлом бўлиши учун аввало тўғри овқатланиши библиши зарур. Зарарли нарсаларни ейиш ва ичишдан доимо тийилиш керак. Навоий еб-ичишининг қандай бўлиши ва бу соҳада энг тўғри йўл қайси эканини ажойиб мисралар орқали баён қилади. Яъни, овқатланиш қоидаси шуки, киши роса тўйиб қолмасдан ейишни бас қилиши, еган таоми ҳазм бўлмасдан устига овқат емаслиги лозим.

Бундан ташқари, Навоий табиб қандай бўлиши кераклиги,

одамлар саломатлигини муҳофаза қилиш қандай ташкил этилиши лозимлиги ҳақида ҳам кўплаб асарларида мухтасар фикрларни билдирган. Фақат табобат тўғрисида фикрлар билдириб қолмасдан амалда бу борада катта ишларни ҳам бажариб, улуғ инсонийлик намунасини кўрсатган.

Инсоннинг хулқ-атвори, рухий олами тадқиқига бағишланган адабиётларга кўра, одамзотда 128 та яхши хислат ҳамда 76 та ёмон хулқ мавжуд. Навоий шунча хислат ичида инсонийликнинг биринчи шарт сифатида сабрни қайд этади. Одатда, сабр деганда, мушкул вазиятларда бардошли бўлиш тушунилади. Аммо сабрнинг маъно қамрови нихоятда кенг бўлиб, нафс қутқусига учмаслик, яхши ҳолларда шукронаси, ёмонликлардан изтироб чекмаслик ва умидсизланмаслик унинг асосий хусусиятлари ҳисобланади.

Ҳаётда фаолиятсизлик, қадр-қиммати ва ҳақ-ҳуқуқлар оёқости қилинишига лоқайд қараш, кўркүв ва журъатсизлик ҳолатлари ҳам учраб туради. Сабр – мутелек ва қарамликнинг бир кўриниши эмас. Сабр – муайян воқеа-ҳодиса натижасида бир-бири билан ихтилофда бўлган тўғри ва кечинмалардан юзага келадиган инсоний фазилат. Бир ум ҳақиқат йўлида курашган Алишер Навоий ҳам бу йўлнинг машаққатлари, эзгу мақсад-муддаоларга эришишнинг қийинчиликлари, нафс деган ашаддий душмани бор қўнғил ҳамма вақт ҳам бу қийинчиликларга бардош беролмай маҳзун бўлиши ва ҳатто айрим

ҳолларда ирода заифлик қилиб, виждонга хилоф иш тутиш ҳолатларига ҳам дуч келган. Шоир ҳар қандай ҳолатда эзгулик йўлидан чекинмаслик, шу орқали сабр – кўнглининг изтироб ва умидсизликдан ҳоли бўлиши, мақсадга етиш йўлида ҳар қандай мусибат ва қуфлатларга бардош бериши, охир-оқибат, бахт ва шодликка эришиш лозимлиги, бу йўл оғир бўлганига қарамасдан, эзгулик ва саодат манзили эканини ўз газалларида ифода этган.

Инсонийликнинг иккинчи шарт – ҳар инсон қалбида шукроналик туйғусининг устувор бўлишидир. Навоий башариёт тараққиёти учун шукроналик туйғуси нечоғли аҳамият касб этишини теран англаган зотлардан эди. Унинг талқинича, тинчлик, саломатлик, барқарорлик каби бебаҳо неъматларнинг қадрига етмаслик ҳақида носоғлом муҳитни вужудга келтириб, ривожланиш ва тараққиётга ҳавф солади. Шукроналик туйғуси барқарор бўлган ҳақиқат ҳам моддий фаровонлик, ҳам маънавий тараққиёт марраларини забт эта олади.

Демак, Навоий том маънода табобатнинг ҳақиқий тарғиботчиси ва моҳир билимдон эди. Маърифатпарвар шоир, сўз мулкунинг султони Алишер Навоийнинг табобат ва табиблар ҳақида ёзган байт, доно фикр ва мулоҳазалари замондошларимизгагина эмас, балки кейинги авлодлар учун ҳам бой мерос бўлиб қолади.

**Намос ТОЛИПОВ.**

## Брифинг

# ФАРМАЦЕВТИКА ИСТИҚБОЛИ: ТАҲЛИЛ ВА НАЗОРАТ

**Шу йилнинг 5 февраль кунини Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида Фармацевтика тармоғини ривожлантириш агентлиги томонидан Фармацевтика тармоғидаги ислохотларни чуқурлаштиришга қаратилган қарор юзасидан брифинг ташкил этилди.**

Мазкур брифингда Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Монополияга қарши курашиш қўмитаси, «Дори-Дармон» АК ҳамда Дори воситалари, тиббий буюмлар ва тиббий техника экспертизаси ва стандартлаштириш давлат маркази раҳбарияти ва етакчи мутахассислари иштирок этидилар. Брифингни очиб берган

борасида мутахассислардан атрофлича маълумот ва тушунтириш олдидилар.

Хусусан, Фармацевтика тармоғини ривожлантириш агентлиги Ахборот-таҳлил бошқармаси бошлиғи Муҳаббат Ибрагимова юртимиз тиббиёт ташкилотларида дори воситаларининг халқаро патентланмаган номини рецепт

ёзишда қўллаш тартибини жорий этиш бўйича тушунтириш берди.

Фармацевтика тармоғини ривожлантириш агентлиги Халқаро стандартларни жорий этишни мувофиқлаштириш бошқармаси бошлиғи Фароғат Ташмадова маҳаллий корхоналарда халқаро амалиётларни босқичма-босқич жорий этиш борасида сўз юритди.

2020 – 2024 йилларда Ўзбекистон Республикасининг фармацевтика тармоғини ривожлантириш концепцияси ва унда қўрсатилган илмий изланишлар бўйича маълумотни Фармацевтика



Фармацевтика тармоғини ривожлантириш агентлиги директори Сардор Қариев Президент Қароридидаги мақсад ва вазифалар борасида гапириб, соҳада амалга оширилаётган ишлар ва унинг такомиллашуви учун белгилаб олинган режаларга тўхтади. Брифинг давомида оммавий ахборот воситалари вакиллари Қарорда белгиланган вазифалар ва қўшимча чора-тадбирлар

– Барча дорилар умумий қилиб олганда икки хил бўлади: рецетпли ва рецетпсиз. – дейди Фармацевтика тармоғини ривожлантириш агентлиги директори Сардор Қариев. – Рецетпсиз бериладиган дорилар ОАВ орқали реклама қилишга рухсат берилган, дорихоналарда кенг сотиладиган дорилар саналади. Рецетп асосида бериладиган дорилар эса дозаси кучли бўлган, реакция бериш эҳтимоли кучли бўлган, реклама қилиш тақиқланган дорилардир. Дорихоналарда ушбу икки турдаги дорилар савдосини назорат қилиш йўлга қўйилган. Аммо шунга қарамай одамлар шифокор тавсияси билангина дори сотиб олиши ва истеъмол қилиши лозим. Зеро, аксарият касалликларнинг 25 фоизи дориларни нотўғри истеъмол қилишдан юзага келади.

тармоғини ривожлантириш агентлиги Илм-фан бошқармаси бошлиғи Азиз Дўсमतов тақдим этди.

Монополияга қарши курашиш қўмитаси ҳузуридаги Истеъмолчилар ҳуқуқини ҳимоя қилиш агентлиги бошқарма бошлиғи Павел Магай фармацевтика махсулотларининг сирли харидори институти борасида тўхтади.

Гибивандлик воситалари, психотроп ва кучли таъсир қилувчи моддаларни қонуний муомаласини тартибга солишга қаратилган чора-тадбирлар бўйича Дори воситалари, тиббий буюмлар ва тиббий техника экспертизаси ва стандартлаштириш Давлат марказининг Наркотиклар назорати қўмитаси раиси Исмаил Азизов томонидан тақдим этилди.

Брифинг сўнгида мутахассислар оммавий ахборот воситалари вакиллари қизқитқан саволларига атрофлича жавоб бердилар.

**Фармацевтика тармоғини ривожлантириш агентлиги матбуот хизмати.**

2020 йил – Илм, маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йили

# ТИББИЁТДАГИ ИННОВАЦИЯЛАР РИВОЖЛАНИШДА

Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг маълумотлари-га кўра ҳар йил ўртача 20 миллион нафар одам бош мия қон айланишининг ўткир бузилиши ҳасталигига дучор бўлади. Уларнинг 15 миллион нафари ноғиронликка юз тутати, тўртдан бир қисми тиббий-ижтимоий кўмакка муҳтожлик сезади ёки оламдан ўтади. 20 фоиздан ортиқ бемор эса беш йилдан сўнг қайта инсулти бошидан кечи-ради. Афсуски, бундай муаммо Ўзбекистонда ҳам куза-тилмоқда. Айниқса, ишемик ва геморрагик инсултга уч-раганлар сони шаҳарларга нисбатан қишлоқларда ортиб бормоқда.

Шифокорларимиз аҳоли ўртасида мазкур касалликнинг олдини олиш борасида астой-дил изланмоқдалар. Бу саъй-ҳаракатлар аввалида юрдош-ларимизнинг тиббий саводхон-лигини оширишга қаратилган интилишлар турса, иккинчи му-ҳим йўналиш сифатида бош мия қон айланиши ўткир бузилиши-ни барвақт аниқлаш ва касал-лиқни жарроҳлик йўли билан бартараф этишга устувор аҳамия-т қаратилмоқда.

Дарҳақиқат, инсулт олди ҳа-сталигидан беморларни ҳалос этиш борасидаги мураккаб техно-логик жарроҳлик амалиётлари ҳозирга қадар фақат пойтахтимиздаги нуфузли тиб-биёт марказларида олиб бори-

лар эди. Республика шошилинч тиббий ёрдам илмий маркази Наманган филиалида ҳам жарроҳлик амалиётларини муваффақиятли равишда бажаришга киришилди. Бир йилдирки, филиалнинг қон-томир жарроҳлиги бўлими муди-ри Абдулҳоди Йўлдошев ва ши-фокори Аҳмадҷон Болтаевлар йигирма нафардан зиёд бемор-ларни умрини узайтиришга му-ваффақ бўлдилар.

– Бош мия қон айланишининг етишмовчилиги аорта равоги то-мирларининг зарарланиши билан кечади. Бу жараён 50 фоиз ҳолларда белги бермайди. Ин-струментал текширув пайтидаги-на томиларнинг шикастланган-лиги аниқланади. Бу касаллик-нинг илк босқичи ҳисобланади.

Иккинчи босқичида транзистор ишемик хуруж кузатилади. Агар ҳасталикнинг илк босқичларида зарур чоралар кўрилмаса охир оқибат мудҳиш ҳолатлар юзага чиқиши табиий, – дейди Абду-лҳоди Йўлдошев.

– Узоқ йиллар давомида раҳ-матлик устозимиз Бахтиёр Раҳи-мов бошчилигида изланишлар олиб бордик. Эзгу максадни рўй-га чиқариш биз шогирдлар-га насиб этди. Республика хирур-гия ангионеврология ихтисослаш-тирилган тиббиёт маркази таниқ-ли олим ва тажрибали шифокор-лари мадади билан уйку артери-яларида реконструктив жарроҳ-лик амалиётларини Наманганда йўлга қўйдик. Натижада 20 нафар беморда ишемик типдаги ин-султга барҳам берилди. Пиро-вардидада аҳолининг ноғирон-лик даражасини камайтиришга эришдик. Шунингдек, беморлар-нинг узоқ мuddат шифохоналар-да даволанишига чек қўйдик. Бундан ташқари ушбу амалиёт самараси ўлароқ қайта инсулт-га чалиниш ва ўлимнинг олди олинди. Яна бир муҳим хижат оиладаги ижтимоий муаммолар ечим топди. Улуғ мақсад сари ин-



тилишлар бардавомдир. Тибби-ётдаги инновациялар баробари-да одамларнинг дардига даво изланиб, уларнинг саломатлиги-ни мустаҳкамлаш ва умрини узайтириш чоралари кўрилмоқ-да. Шу билан бирга аҳоли ўрта-сида мия қон-томир етишмовчи-лиги касалликларини камайти-

ришга йўналтирилган профи-лактик тадбирларга ургу берил-моқда. Тиббиёт тараққиётини замонавий билим ва малакага эга кадрлар таъминлашини на-зарда тутган ҳолда бўлим ши-фокорлари илмий салоҳияти-ни юксалтиришга ҳам алоҳида аҳамият қаратилмоқда.

Шу кунларда врач Аҳмадҷон Болтаев, “Уйку артериала-ридаги жарроҳлик амалиётлари натижасида ишемик ин-султининг олдини олиш” мавзусида илмий-тадқиқот ўтка-заяпти. Жасурбек Юсуфҷонов Туркияда малака оширмоқ-да. Бу изчил саъй-ҳаракатлар пировардида яна кўп-лаб му-раккаб технологик жарроҳлик амалиётлари РШТЭИМ На-манган филиалида ўтказилишига ишончимиз комил.


Абдулла ҲОЗИЕВ,  
«Шифокор ва ҳаёт» газетаси бош муҳаррири.

## Жараён

# ЭЪТИБОР ВА ҒАМХЎРЛИК

Юртбошимиз томони-дан хотин-қизлар ва болалар саломатлигини муҳофаза қилиш давлатимиз сиёсати-нинг устувор вазибаларидан бирига айланган десак му-болага бўлмайди. Айниқса, ижтимоий ҳимояга муҳтож бўлган хотин-қизлар ва улар-нинг фарзандларига кўрсати-лаётган тиббий хизматлар ҳукуматимиз эътиборида бўлиб келмоқда.

2019 йилда Тошкент шаҳар хотин-қизлар қўмитасининг та-шаббуси билан пойтахтимизда-ги 33-Оилавий поликлиника ҳудудида Тошкент шаҳар Реа-билитация ва мослаштириш маркази ташкил этилди. Унда асосан Тошкент шаҳрида ис-



тикомат қилаётган хотин-қиз-лар ва уларнинг фарзандлари-га тиббий ёрдам кўрсатилиши билан бирга соғломлаштириш ишлари ҳамда тиббий кўрик-лар олиб борилади.

– Жорий йилнинг 6 фев-раль кuni Чилонзор тумани тиббиёт бирлашмасига қараш-ли 33-Оилавий поликлиника-да фаолият юритаётган тор мутахассислар, яъни, лор, оку-лист, невропатолог, хирург,

гинеколог, стоматолог, терапевт ва педиатрлар томонидан шаҳ-римиздаги ижтимоий ҳимояга муҳтож бўлган хотин-қизлар ва уларнинг фарзандлари, шунинг-дек, марказ ходимлари ҳамда ҳудуддаги Гавҳар маҳалласида истиқомат қилаётган аҳоли тиб-бий кўриқдан ўтказилди. Шу-нингдек, ЭКГ, УТГ, лаборатория, флюорография текширувлари ҳам олиб борилди. Бу албатта, ҳар қандай касаллиқни олдини

олишда муҳим аҳамият касб этади, – дейди Чилонзор ту-ман тиббиёт бирлашмаси бошлиғи Раъно Носирова.

Тиббий кўриқдан ўтказилган 32 нафар фуқароларга керак-ли тавсиялар, соғломлаштириш ва даволаниш учун йўланма-лар берилди.

Гулҷехра  
МИРЗАМУҲАМЕДОВА,  
33-оилавий поликлиника  
бош шифокори ўринбосари.

## Объявление

Республика Узбекистан Номер финансирования Исламского Банка Развития № UZB 0073 Проект “Оснащение лабораторным оборудованием центров Госсанэпиднадзора Республики Узбекистан”, “Закупка лабораторного оборудования”, Международные Конкурсные Торги №UZB-0073/ICB/03

Министерством здравоохранения Республики Узбекистана было опубликовано приглашение к Международным конкурс-ным торгам № UZB-0073/ICB/03 в следующих средствах массо-вой информации:

- 1) 16 сентября 2019 года на сайте UN Development Business;
- 2) 20 сентября 2019 года в газете “Узбекистонда соғлиқни сақлаш – Здравоохранение Узбекистана”;
- 3) 19 сентября 2019 года в газете “Правда Востока” (Узбекистан);
- 4) 18 сентября 2019 года на сайте Министерства здравоохранения Республики Узбекистан,
- 5) 18 сентября 2019 года на сайте ГУП “O’zmedimpeks”;
- 6) 19 сентября 2019 года на сайте Исламского банка развития;
- 7) 16 сентября 2019 года на сайте Tenderweek.com.

Настоящим Министерством здравоохранения Республики Уз-бекистан информирует о результатах проведения вышеуказан-ных торгов.

### РЕЗУЛЬТАТЫ ПРОВЕДЕНИЯ ВЫШЕУКАЗАННЫХ ТОРГОВ

Лот №	Название и количество закупаемого оборудования	Победитель торгов	Страна	Стоимость присужденного контракта
1.1.	Вольтамперметрический анализатор– 103 ед.;	Abacus Analytical Systems GmbH	Германия	819,087.57 Евро
1.2.	Спектрофотометр 100 ед.;			
1.3.	Измеритель параметров лазерного излучения (Лазерный Дозиметр, Портативный) – 15 ед.			

Объединенная Группа Реализации Проектов Министер-ства здравоохранения Республики Узбекистан Адрес: ул. Паркентская, д. 51, г. Ташкент, 100007, Республика Уз-бекистан, ТАШИУВ, Тел. (+998 71) 268-12-13, 268-25-39, Факс (+998 71) 267-73-47, e-mail: idb.ses@gmail.com

## Обуна – 2020



Хурматли муштарийлар!  
«Ўзбекистонда соғлиқни сақлаш – Здравоохранение Узбекистана» газетасига 2020 йил обуна мавсуми давом этмоқда. Республика-миз тиббиёт тизимида амалга оширилаётган ижобий ишлар ҳамда ҳамкасбларингиз тажриба-си билан танишишни, шунингдек, тиббиёт янгилик-ларидан хабардор бўлишни истасангиз, сеvimли газетангизга обуна бўлишни унутманг!  
Нашр индекси: 128.

## Новости науки

ОТ КОРОНАВИРУСА СПАСЁТ НОВОЕ ЗАЩИТНОЕ ПОКРЫТИЕ ДЛЯ  
МАСОК И РЕСПИРАТОРОВ

**Пневмония нового типа, вызванная коронавирусом 2019-nCoV, продолжает распространяться в Китае и за его пределы. По последним данным Госкомитета КНР, инфекция унесла жизни 361 пациента. Зафиксировано 17205 случаев заражения. На днях первый случай заражения с летальным исходом был зафиксирован за пределами Поднебесной.**

Неудивительно, что вспышка неизвестного ранее заболевания вызвала панику. Сегодня многие люди, в первую очередь жители Китая, скупают в аптеках медицинские маски пачками.

Однако, по словам специалистов, хирургические маски обеспечивают защиту только от крупных вирусных капель, тогда как респираторные вирусы (поражающие дыхательные пути), и в том числе коронавирус, также распространяются с гораздо более мелкими каплями, называемыми аэрозолями. Конечно, существуют респираторы, которые более эффективно фильтруют аэрозоли. Но они обладают куда меньшей воздухопроницаемостью, чем хирургические маски (то есть в них сложнее дышать). Кроме того, они более дороги и не слишком удобны для повседневного использования.

Главная же проблема заключается в том, что ни маска, ни респиратор не способны убить вирус. Это означает, что после оседания на них патогена они могут жить на поверхности фильтра от нескольких часов до нескольких дней (напомним, что обычные тканевые маски, продаваемые

в аптеках, необходимо менять каждые два часа).

Тот факт, что вирусы чувствуют себя вполне комфортно на таких фильтрах, повышает вероятность их распространения: вирусы могут остаться на руках, когда человек снимает маску, на поверхности, где её оставили, и так далее.

Поэтому команда учёных из Университета Альберты, финансируемая некоммерческой исследовательской организацией Канады под названием Mitacs, разрабатывает антивирусное покрытие для масок и респираторов.

В его основе две распространённых соли – хлорид натрия и хлорид калия. Когда капля жидкости любого размера вступает в контакт с таким покрытием, соли растворяются в ней. Когда же эта капля впоследствии испаряется, растворённые соли кристаллизуются.

**Между тем людям, использующим обычные хирургические маски, специалисты советуют: менять их каждые пару часов, до и после контакта с маской тщательно мыть руки, не прикасаться к фильтрующему материалу, не хранить использованную маску и не надевать её повторно.**

При этом острые края растущих кристаллов прорывают оболочку вируса и убивают его. «Мы проверили нашу систему на трёх различных (штаммах) вируса гриппа и показали, что вирус на поверхности маски с (солевым) покрытием становится неактивным в течение пяти минут и полностью уничтожается в течение 30 минут», — сообщил биомедицинский инженер Хё-Джик Чой (Hyo-Jick Choi).

Сейчас исследователи ищут партнёров, которые помогут вывести новинку на рынок. Ожидается, что в продаже антивирусные маски появятся в течение 12-18 месяцев.

Важно, что в будущем эта разработка поможет улучшить защиту от любых вирусных инфекций, в том числе сезонных.

«Хирургические маски и респираторы в настоящее время являются лучшим способом личной защиты, но широкие слои населения должны быть осведомлены об их правильном использовании. В противном случае люди могут неосознанно способствовать распространению таких патогенов как коронавирус и вирус гриппа», — подчеркнул Чой.

По материалам  
Интернета.

## ПОТУШЕННЫЕ СИГАРЕТЫ ПРОДОЛЖАЮТ ЗАГРЯЗНЯТЬ ВОЗДУХ

О вреде курения знает каждый. Опасно оно как для активных, так и для пассивных курильщиков. Недавно же учёные выяснили, что сигареты выделяют токсичные вещества не только во время горения. Новое исследование показало, что потухшие окурки продолжают испускать вредные соединения в воздух даже спустя несколько дней.

По словам учёных, только за первые 24 часа сигаретный окурочек выделяет до 14% от объёма никотина, который выбрасывается в воздух, когда сигарета горит.

Чтобы измерить концентрации вредных веществ, выделяемых окурками, исследователи из США поместили 2100 недавно потухших сигарет в камеру из нержавеющей стали («выкуривал» такой объём специальный робот, который делал шесть затяжек каждой зажёванной сигареты). Установка позволила учёным создать условия как в закрытом помещении и регулировать температуру, влажность воздуха, скорость его циркуляции и подачи.

Команда исследователей измерила концентрации восьми химических веществ, которые обычно выделяют сигареты:

фурфурола, стирола, этилбензола, циклопентадиена, лимонена, нафталина, триацетина и никотина. Четыре из них Управление по санитарному надзору за качеством пищевых продуктов и медикаментов США (FDA) считает вредными или потенциально опасными для здоровья.

Исследователи измеряли выбросы вредных веществ в воздух, меняя температуру в пределах от 20 до 30 градусов Цельсия, а также регулируя влажность и приток воздуха в камеру. Оказалось, что, когда температура была выше, окурки выделяли химикаты с большей скоростью. На этот фактор влиял и уровень влажности: семь из восьми химических веществ выделялись из потухших сигарет быстрее при 50% относительной влажности, чем при 25% относительной влажности воздуха.


Иными словами, оставленная на время неупотреблённая пепельница может подвергнуть курильщиков и некурящих людей воздействию ещё большего количества вредных химических веществ, чем считалось ранее.

**«Масса никотина, выделяемая из окурка в течение пяти дней, может быть сопоставима с массой никотина, присутствующей в основном и боковом потоке дыма (при выкуривании сигареты)»,** —

отмечает инженер-эколог Дастин Поппендик (Dustin Poppendiek) из Национального института стандартов и технологий США. Это особенно актуально при более высоких температурах (в помещении)».

Поясним, что табачный дым выделяется из сигареты в виде основного потока (дыма, вдыхаемого и выдыхаемого курильщиком) и бокового потока (дыма, выпускаемого с конца горячей сигареты). Различие между ними и другим существенное. Оба потока дыма содержат одинаковые соединения, но в различных пропорциях. Например, боковой дым содержит вдвое больше никотина, чем основной.

«Я был абсолютно удивлен, — рассказывает Поппендик. — Эти цифры значительны и могут иметь серьёзные последствия в случае, когда окурки выбрасываются в помещении или в автомобиле. Вы можете подумать, что, не куря в машине в присутствии детей, вы защищаете некурящих людей или детей вокруг вас. Но, если пепельница в вашей машине полна окурков, которые выделяют эти химикаты, воздействие всё равно произойдёт».



Добавим, что сегодня учёные чаще всего исследуют последствия для здоровья от активного и пассивного курения. Но до сих пор мало кто обращает пристальное внимание на тот факт, что химические вещества, выделяемые сигаретами, оседают на мебели, тканях и стенах помещений и салонов автомобилей.

Авторы работы отмечают, что в ходе исследования они использовали только одну известную марку сигарет. Тем не менее, если полученные данные верны, это означает, что ранее учиты-

вался далеко не весь вред от курения.

**Сегодня, по оценкам экспертов, ежегодно во всём мире производится более пяти триллионов окурков, и многие из них не полностью гасятся или не утилизируются должным образом. А это, к слову, приводит к загрязнению не только воздуха, но и почвы.**

Данные исследования опубликованы в изданиях International Journal of Indoor Environment and Health и Science of the Total Environment.

Вести.Наука.

## Эҳтиёт бўлинг!

## ЭЪТИБОР - ПРОФИЛАКТИКАНИНГ МУҲИМ АСОСИ

**Халқимиз орасида куз ва қиш фаслларида уй шароитида тайёрланган, сифати кафолатланмаган консерва маҳсулотлари кўпроқ истеъмол қилинади. Натигада, айрим ҳолларда оқсатдан захарланиш – ботулизм касаллиги юзага келади.**

Ботулизм касаллиги орқами хамда узунчоқ миёнининг зарарланганига хос симптомлар билан таърифланган оғир токсик инфекция касаллигидир. Унинг юзага келиши сабаби оддий. Яъни, уй шароитида консерва маҳсулотлари тайёрлашда ҳар доим хам зарур технологик жараёнлар, санитария меъёрлари ва шахсий гигиена қоидаларига тўла риоя қилинмайди. Оқсатдан консервадаги ботулизм споралари тез ривожланади ва захарли токсинлар ажралиб чиқади.

Хавфли жиҳати, ботулизм споралари билан зарарланган консерва маҳсулотларининг таъки қуриниши ва таъмида деярли ўзгариш кузатишмайди. Айрим ҳолларда шиша идишнинг туника қопқоғи шишади. Бундай маҳсулотдан захарланиш белгилари пайдо бўлиш жараёни икки соатдан саккиз-ўн кунга чўзиллади. Ҳолсизлик, кўнгил айниши, қусиш, қорин соҳасида оғир пайдо бўлиши,

жисмлар кўзига иккита бўлиб қуриниши (диплопия), ютиш ва гаприши қобилиятини пасайиши, бўйин ва оёқ мушаклари заифлашиши касалликнинг клиник белгиларидир. Касалликни уй шароитида ўз билганида даволаш қатъиян ман этилади. Бундай вазиятда зудлик билан шифокорга мурожаат қилиш лозим. Акс ҳолда, касалликнинг оғир шакллари – юрак, қон-томир ва нафас тизими хасталиклари юзага келиши, бунинг натижасида беморнинг ҳаёти хавф остида қолиши мумкин. Ҳар қандай касалликлар каби, албатта, ботулизмнинг олдини олиш хам инсоннинг ўз қўлида. Уй шароитида бодринг, помидор, паттисон маринадлари, бақлажон ик-

раси каби консерва маҳсулотларини тайёрлаш тавсия этилмайди. Чунки бундай шароитда тайёрланган консерва маҳсулотларининг сифатига ҳеч қим кафолат бера олмайди. Айнан шундай сифат сертификати, ёрликларига эга бўлмаган, бир сўз билан айтганда, истеъмол учун яроқсиз ҳисобланган консерва маҳсулотларини бозорларда, кўча-кўйларда белгиланмаган ноқонуний савдо расталарида сотилаётган бундай маҳсулотларни харид қилмаслигимиз керак. Уй шароитида узум, шафтоқли, ўрик каби мевалардан қиёмлар, бодринг, помидор, қармоқлардан сирли идишларда тузламалар, мевалардан қоқилар тайёрланса мақсадга

мувофиқ.

Шундай экан бу каби маҳсулотларни харид ва истеъмол қилишда эътиборли бўлинг. Зеро, ўзимиз ва яқинларимизнинг соғлиғи учун, масъул эканлигимизни унутмаслигимиз лозим.

**А. ЮСУПОВ,**  
ФВВ Академияси  
тиббёт хизмати  
шифокор-терапевти,  
лейтенант.

## Қарор ва ижро

## СОҒЛОМ ВА ТЎҒРИ ОВҚАТЛАНИШ ТАЛАБЛАРИ

Президентимизнинг 2018 йил 18 декабрдаги "Юқумли бўлмаган касалликлар профилактикаси, соғлом турмуш тарзини қўллаб-қувватлаш ва аҳолининг жисмоний фаоллиги даражасини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори ҳамда соғлиқни сақлаш вазирлигининг бу борадаги тегишли буйруғи ижросини таъминлаш, соғлом турмуш тарзини тарғиб этиш борасида мамлакатимиз миқёсида фаолиятлар олиб борилмоқда.

Айниқса, юқоридаги меъёрий ҳужжатлар ижросини амалга оширишда аҳоли орасида тўғри ва оқилона овқатланиш масалаларига эътибор қаратилмоқда. Лекин шу ўринда ҳақли савол туғилади. Хўш биз қандай овқатланаямиз, соғлом турмуш тарзига амал қиляёмизми? Ушбу саволимизга қуйида келтирилган тавсиялардан жавоб оламиз.

Хозирги кунда тўқин дастурхон ёнида ўтирган ҳар бир сила саломатлик учун зарур бўлган овқатлардан истеъмол қилиш кераклигини билиши зарур. Бу тўғри ва оқилона овқатланиш-

- овқатланиш тартибига қатъий риоя қилиш  
- овқатнинг миқдори меъёردа бўлиши;  
- истеъмол қилинаётган овқат қуввати сарфланган қувватни қоплаши;

- овқатнинг сифатий мукамаллигини таъминлаш;

- озик-овқатларнинг хилма-хиллигига эътибор бериш.

Агарда биз кун давомидаги овқатланиш рациони (таомнома)ни 100 фоиз деб оладиган бўлсак, инсон кунига 3 марта овқатланганда:

- эрталабки нонушта - умумий овқатланиш миқдорининг 25-30 фоизини;

ОЛДИН КАНДАЙ  
ОВҚАТЛАНГАНМИЗ?

## ҲОЗИР НИМА ЕЙМИЗ?



нинг асосий шартидир. Овқатланиш бу тирикликни, ҳаётни таъминловчи энг асосий талаб ҳисобланади. Инсон танасидаги ҳаётий жараёнлар – ҳаракат, ўсиб-ўлғайиш бу саломатлик даражаси бўлиб, аввало соғлом овқатланиш тамойилларига амал қилишни тақозо этади. Организмнинг қувват сарфини тўлдириш, инсоннинг ҳаёти ва кундалик фаолияти учун зарур бўлган овқатлар кераклик миқдордаги оксил, ёғ углевод, минерал моддалар ва витаминларга бой бўлиши керак. Ошқозон-ичаклар тизимидаги овқатликларнинг яхши ҳазм бўлишида уларнинг миқдори, таркиби, суяқ-куяқлиги, ҳарорати жуда муҳим ўрин тутаяди.

Умуман олиб қараганда, овқатланишда нималарга эътибор беришимиз керак?

- тушлик - 40-45 фоизини;  
- кечки овқат - 20 - 25 фоизини ташкил этиши керак.

Агар кун давомида 4 мартаба овқатланиш ташкил этилганда:

- эрталабки нонушта - умумий овқатланиш миқдорининг 20-25 фоизини;

- иккинчи нонушта 5-10 фоизини;

- тушлик - 40-45 фоизини;  
- кечки овқат - 15-20 фоизини ташкил этиши керак.

Агар кун давомида 5 мартаба тақсимлаб овқатланганда:

- эрталабки нонушта - умумий овқатланиш миқдорининг 15-20 фоизини;

- иккинчи нонушта 5-10 фоизини;

- тушлик - 40-45 фоизини;  
- толма чой- 5 - 10 фоизини;  
- кечки овқат 10-15 фоизини

ташкил этиши керак.

Асосан кун давомида овқатланиш таомномасини қуйидагича ташкил қилиш мумкин:

- нонуштага турли ёрмалардан бўтқалар (сутли ва сувда пишган), тухум, творог ва мевалардан ёки мева шарбатларидан бирортасини истеъмол қилиш;

- тушликка 200-300 грамм хом ҳолдаги сабзавотлардан тайёрланган салат, асосий овқатлардан суяқ ва иккинчисига қуюқ овқат билан истеъмоли билан бирга меъёрий миқдорда нон, сув ёки таъбга қараб табиий шарбатлар ичиш;

- кечкурунга энгил суяқ ёки димланган овқат ва салат ейиш мумкин.

- уйқоғ ётишдан олдин 150-200 грамм ёгсизлантирилган қатиқ ёки шунча миқдорда мева ёки полиз маҳсулотлари шарба-

тини истеъмол қилиш мумкин. Овқатланиш вақтида ёдин-ғизда бўлсин!

Овқатланишда иштаҳанинг бўлиши жуда муҳим. Истеъмол қиладиган овқатингиз жудаям иссиқ ёки совуқ бўлмасин:

- ҳар бир лўқмани яхши чайнанг, бу ҳазм қилиш жараёнига ижобий таъсир этади;

- овқатни жуда ҳам тўйиб истеъмол қилманг, балки тўйишга оз фурсат қолганда ёйишдан тўхтаг.

- овқатланиш вақтида чой ичманг, балки қайнатиб совутилган сув ёки қадоқланган сув истеъмол қилинг.

Эсда тутинг!

- ширинликлар ва қандолат маҳсулотлари истеъмолини чекланг, истеъмолингизда қанд миқдорини камайтиринг, унинг ўрнига мевалар ёки қуруқ мевалар ейишга одатланг.

- кундалик таомномадаги салатлар асосан 3-4 турдаги сабзавот ва кўкатлардан иборат бўлиб, уларга уксус, майонез, кучли аччиқ зирavorлар ишлатманг. Тузни меъёردа ишлатинг (кунига 5 грамм бўлиши мақсадга мувофиқ).

- кун давомида ҳар бир овқатланишдан олдин 1 стакан сув ичишни одат қилинг, бу тананинг суяқликка бўлган эҳтиёжини қоплайди

- кундалик овқатларингиз таркибига мавсумга қараб салатлар, полиз маҳсулотлари, ҳўл ва қуруқ мевалар, сут-қатиқ маҳсулотларини кўпроқ киритинг. (Сабзавот ва мевалар кунлик истеъмолингизда 400 - 500 грамм бўлиши керак);

- ҳайвон ёғларини истеъмол қилишни чегараланг, балки кўпроқ ўсимлик ёғларидан фойдаланинг! Трансёғлар, пальма ёғини истеъмолдан чиқаринг! Баданинг ҳам ўз имконият-

лари ва қонуниятлари бор. Бу қонуниятлар овқат ҳазм қилиш тизими ва унинг хусусиятлари, организмни тозалаш аъзоларининг фаолиятлари билан боғлиқ. Кимки овқатланишда буни ҳисобга олмаса, ҳазм қилиш тизими аъзоларини тезда ишдан чиқаради.

Туз миқдори кўп, таркиби асосан ёғлар бўлган овқатликлар, кучли қўзғатувчи (кофе, аччиқ чой, спиртли ичимликлар), бундан ташқари, қаттиқ ҳамда қуюқ овқатликларнинг ҳазм бўлиши қийин кечади. Бундай овқатлар ички аъзолар фаолиятини қийинлаштиради. Бу тартибда узоқ вақт овқатланиш эса касалликларга олиб келади.

Унутманг!

- ҳар биримиз кундалик овқатланишимизга эътиборли бўлишимиз лозим, зеро, тўғри овқатланиш саломатлигимиз гаровидир.

- саноатда ишлаб-чиқарилган тайёр ва ярим тайёр овқат, шарбат, рангли ширин газланган ичимлик, консерва, колбаса ва шу кабиларни кескин чегараланг.

Ҳар бир инсон тўғри овқатланиш тамойилларига амал қилса, саломатлиги мустақкам бўлади ва узоқ умр кўради!

**Барно ОДИЛОВА,**  
Аҳолининг соғлом турмуш тарзини қўллаб-қувватлаш ва жисмоний фаоллигини ошириш маркази директори.

Республика ихтисослаштирилган кардиология илмий-амалий тиббиёт маркази доноси тиббиёт фанлари доктори, профессор **Анвар ҚУРМУКОВ**нинг вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур таъзия изҳор этади.

Газета муассиси:  
Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги

Бош муҳаррир  
Баҳодир ЮСУПАЛИЕВ  
Бош муҳаррир ўринбосари  
Ибодат СОАТОВА

Газета ўзбек ва рус тилларида чоп этилади. Ҳафтанинг жума кунлари чиқади. Мақолалар кўчириб босилганда «O'zbekistonda sog'liqni saqlash – Здравоохранение Узбекистана» газетасидан олинди, деб кўрсатилиши шарт. Тахририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.

Манзилимиз: 100060, Тошкент шаҳри, Истикбол кўчаси, 30-уй, 2-қаavat.  
Тел/факс: (0371) 233-13-22, тел.: (0371) 233-57-73. Газета Ўзбекистон Республикаси Матбуот ва ахборот агентлигида 2009 йилнинг 11 март кuni рўйхатга олинган. Гувоҳнома рақами 0015.

Газета материаллари тахририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

Адади 1629 нусха.  
Мажуртма Г-250.

Газета «ШАРҚ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмаҳонасида чоп этилди. Корхона манзили: Булок Турон кўчаси, 41-уй.  
Газета ҳажми 2 босма табоқ. Формати А3. Оффсет усулида босилган.

Саҳифаловчи Бахтиёр ҚҶШОҚОВ.

Босмаҳонага топшириш вақти – 20.00.